ХИКОЯЛАРДА ТАРИХИЙ ВОКЕЛИКНИНГ АКС ЭТИШИ

Зебунисо Мустафакуловна АМИРҚУЛОВА
доцент
Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Термиз иқтисодиёт ва сервис
университети
Термиз, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада ҳикояларда тарихий вокеликнинг акс этиши ҳақида фикр юритилган. Бунда тарихий мавзуда асар ёзганда ёзувчидан тасвирланаётган давр ҳаётини ёки тарихий шахснинг ҳаёти ва фаолиятини тарих ҳужжатлари асосида ўрганиши, шу даврнинг тарихий колоритини ҳаққоний тасвирлаши, персонажлар нутқида ўша давр кишилари тилига хос хусусиятларни акс эттириши ҳақида батафсил баён этилган.

Таянч сўзлар: тарих, ҳикоя, аждодлар, поэтика, ижодкор, Рабғузий, Алишер Навоий, Шойим Бўтаев, Ғаффор Ҳотамов, Луқмон Бўрихон.

ОТРАЖЕНИЕ ИСТОРИЧЕСКОЙ ДЕЙСТВИТЕЛЬНОСТИ В РАССКАЗАХ

Зебунисо Мустафакуловна АМИРКУЛОВА
доцент
Доктор философии (PhD) по филологическим наукам
Термезский университет экономики и сервиса
Термез, Узбекистан

Аннотация

В данной статье рассматривается отражение исторической действительности в рассказах. Подробно изучается, как при написании работы на историческую тему автор на основе исторических документов изучает жизнь описываемого периода или жизнь и деятельность исторической личности, правдиво описывает исторический колорит этого периода и отражает в речи персонажей особенности языка народа того времени.

Ключевые слова: история, повесть, предки, поэтика, творческий деятель, Рабгузий, Алишер Навои, Шайим Бўтаев, Гаффор Хатамов, Лукмон Бурихон.

Ўзбек адабиётида тарихий мавзуда ёзилган ҳикоялар салмоқли ўрин эгаллайди. Мустақиллик йилларида бу мавзуда кўплаб асарлар яратилди. Аждодларимизнинг ибратли қаҳрамонона курашлари тарихини қайта жонлантириш адабиётнинг олтин зарварақларидан ўрин олган. Бу асарлар орқали адабиётда ватанпарварлик ғоялари атрофлича ёритиб берилди ва

халқимизнинг севимли фарзандлари ҳаёти ва ижодий фаолияти авлодлар қалбидан ўрин эгаллай бошлади. Тарихий мавзулар йўналишидаги ҳикоялар бир қанча олимлар фикр кўзгусида муҳим ўрин эгаллаган ва бу жанрнинг ўзига хос ҳаққонийлик хусусиятлари кўп ҳолларда бир томонлама таҳлил этилган. Мана шундай бир ёқламалик, икир-чикирлар билан чегараланиб қолган ижодкорлар кейинги пайтда ижтимоий-сиёсий масалалар, хусусан тарихий шахслар мавзуси томон ўз эътиборини қаратди. Шу сабаб ҳам бу мавзу ижодкор учун анча мураккаблик туғдиради. Чунки бу тоифа шахслар ҳаёти, турмуш тарзи, яшаш шароити, тақдир қисмати алғов-далғовли, осойишталикдан анча узоқда бўлади. Чунки улар ҳаёти, қисмати эл, элат, халқ, мамлакат қисмати билан боғлиқ ҳолда кечади. Бу эса адиб олдига уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳаёти ва фаолиятидаги икир-чикирларгача тўғри акс эттириш масаласини кўндаланг қўяди.

Адабиётнинг асосий вазифаларидан бири тарихда содир бўлган воқеаларни қайта жонлантириш, яқин ёки олис ўтмишда яшаган тарихий шахсларга бағишланган асарлар яратишдир. Илмий асарлардан фарқли равишда, ёзувчи ёки шоир тарихий мавзудаги асарида тарих ҳақиқатига суянган ҳолда бадиий тўқимадан ҳам унумли фойдаланади. Ижодкор тарихий ҳодисаларни ёритишда тарихий шахслар ва шу шахслар образини ёрқин акс эттиришга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Ифода этилаётган давр манзарасини кенг ва атрофлича ёритиш учун тўқима қаҳрамонларни ифодалаган образларни асарга олиб киради. Тарихий мавзудаги асарда замон ва макон билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни акс эттиришда далилларга суяниш, шу даврнинг тарихий колоритини ҳаққоний тасвирлаш, персонажлар нутқида ўша давр кишилари тилига хос хусусиятларни акс эттириш талаб этилади.

Ижодкорнинг тарихий мавзуга мурожаат қилишдан мақсади, ўқувчиларни ўтмишдаги муҳим воқеалар, тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти билан таништиришдир. Китобхонда ўз халқининг ўтмишига нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотиш ҳамда шу йўл билан маърифатли авлодни тарбиялашда тарихий шахсларнинг эзгу ишлари ҳақидаги

тасаввурларни ойдинлаштириши ҳам керак бўлади. Бундан ташқари, замондошларни ўтмиш воқеаларидан, тарихий шахсларнинг фаолиятидаги ибратли жиҳатлардан сабоқ олишга чақиради. Жараёндаги айрим нохуш ҳодисаларга, тарихий воқеаларини тасвирлаш орқали муносабат билдиради.

Ёзувчининг бадиий нияти билан боғлиқ тўқималар тарихий жараённи нотўғри талқин этмаслиги ва ўқувчини чалғитмаслиги керак. Ижодкордан тарих ҳақиқатига содиқлик ва ўз объектига садоқатлилик талаб этилади [3;11]

Биз фикр юритмоқчи тарихий ҳикоя ва ҳикоя жанрининг имкониятлари жуда кенг. Ҳикоя бадиий адабиётда кичик эпик жанр бўлиб, ҳаёт ҳодисаларини ихчам ифода этадиган насрий жанр. Дунё адабиётида ҳикоя қадим анъаналарга эга.

Ўзбек адабиётида ҳикоя жуда қадимдан бошланган. Илк ёзма адабий ёдгорликлар — Култегин ва Тўнюқуқ битиктошларида баён қилинган воқеалар иштирок этувчилар томонидан ҳикоя қилингани фикримизга асос бўлади. Носириддин Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асарида ҳам ахлоқий характердаги ҳикоянинг яхши намуналари учрайди. Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонининг 5-мақолотидаги «Ҳотами Той ҳикояти», 20-мақолатидаги «Ул қул ҳикояти», «Сабъаи сайёр» достонидаги етти мусофир ҳикоятлари ҳам бу жанрнинг илк намуналари ҳисобланади. XVI асрда яратилган Пошшохожанинг «Гулзор» ва «Мифтоҳ ул-адл» асарлари ўзбек ҳикоя ва ҳикоятчилигининг ривожланишига асос бўлган. Ўзбек ҳикоячилигининг ёрқин намоёндаси Ш.Холмирзаев “Классиклар деганда мен тўртта улуғ ҳикоянависни эслатиш билан кифояланаман: рус адабиётида Чехов, инглиз адабиётида Жек Лондон, ҳинд адабиётида Тагор ва ўзимизнинг адабиётда Абдулла Қаҳҳор” [5;22] деган эди. Мазкур ижодкорларнинг ҳикояларида, айнан, тарихий мавзу акс этмаган бўлса-да, шу жанрнинг имкониятлари ва тараққиёт тамойиллари белгилаб берилганини инкор этиб бўлмайди.

Ҳикояда воқеалар муайян бир йўналиш бўйича ривожланиши ва ҳодисалар тизимли, тартибга мос тарзда юз бериши ёки ҳикояда вақт кетма-кетлигига амал қилинмаган, жараёнлар эса воқеа ривожи босқичларига таянган ҳолда турли йўналишларда юз беради. Шунингдек, умумий баёндан бир-бирига қўшилиб кетмайдиган, аммо маълум муддатдан сўнг умумий баён оқимига қўшиладиган шохчаларга бўлинишдан иборат ҳикоя қилиш методи ҳам учрайди. Ижодкор ҳикоя жанрининг характерли усулларига мисол сифатида умумий тасаввур тамойилига кўра тасвирлаш композицияси ва мустаҳкам ички боғланишли қисмлардан ташкил топган типни келтириш мумкин.

Истиқлол даври ўзбек ҳикоячилиги XX аср ўзбек насри эришган ютуқлар таъсирида, айни чоғда замонавий жаҳон адабиётининг энг яхши намуналари билан туташ ҳолда ривожланмоқда. Натижада жаҳон адабиётининг илғор тамойиллари ўзбек адабиётида, хусусан, ҳикоячиликда ҳам намоён бўлмоқда. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларидаёқ ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда юз бера бошлаган демократик янгиланишлар бадиий тафаккурда ҳам ўз акс-садосини бера бошлади.

Халқ душманлари сифатида ўлимга маҳкум этилган, “босмачи” тамғаси босилган инсонлар тақдирининг бадиий талқини ҳеч бир ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Ёзувчи Шойим Бўтаевнинг “Қора туман” (1990) [1;5-8], Ғаффор Ҳотамовнинг “Уйи куйган одам” (1995) [4;40-42], Луқмон Бўрихоннинг “Алдоқчи тунлар” (2003) [2;37-41] ҳикояларида миллий озодлик ҳаракати иштирокчиларининг мардона кураши қаламга олинади. “Қора туман” ҳикояси қаҳрамони Холбўта қўрбоши, “Уйи куйган одам” ҳикояси қаҳрамони Аҳмад тўқсабо, “Алдоқчи тунлар” ҳикояси қаҳрамони Нур қўрбоши образлари кўп жиҳатдан ўхшаш. Ижодкорлар қаҳрамонларнинг инсон сифатидаги кечинмаларигагина эмас, шахсий туйғуларига ҳам эътибор беради.

Айтиш жоизки, ҳикоячиликда поэтик изланишлар истиқлол даврида янада кенгроқ намоён бўла бошлади. Инсонни ижтимоий ҳаётнинг бир

намояндаси сифатида эмас, балки ўзига хос бўлган маънавий олам эгаси сифатида кашф этишга эътибор кучайди. Бунда реалистик тасвир билан бирга янги-янги тасвир усулларига, жумладан тасвирда шартлиликка, рамзийликка катта эътибор берила бошланди. Истеъдодли ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг “Алдоқчи тунлар” ҳикояси ҳам ана шу жиҳатдан характерлидир.

Ҳикояда ўз эътиқодида собитлик, ўктамлик, орият туйғуси билан яшаш умрининг мазмунига айланган Нур образи бош қаҳрамон. Асар воқеалари қишлоқда рўй беради. Ёзувчи Нур қўрбоши образига хос етакчи хусусиятларни китобхонга ҳикоя бошиданоқ танитади.

Ҳикояда қаҳрамонларнинг миллий озодлик ҳаракатига қўшилиши етарлича асосланади. Нур қўрбоши асли камбағалдан чиққан, “ўз ерини, ўз элини кофирлар қўлига ўтказиб, тинч ўтиролмайдиган” ватанпарвар. Унинг бадавлат отаси ҳам шўро аскарлари томонидан хўрлаб ўлдирилган. Асар қаҳрамони аламзада қалб билан кўздан панароқ жойлар − тоғларда жон сақлайди.

Нур қўрбоши учун ҳам Ватан – муқаддас саждагоҳ, эъзозга лойиқ энг буюк қадрият. Шунинг учун у Ватан озодлиги йўлида қўлига қурол олади, жон фидо қилади. Қолаверса Нур қўрбоши учун оила – табаррук даргоҳ.

Юксак қадриятлар руҳида тарбияланган халқнинг вакиллари сифатида оилага чуқур ҳурмат билан қараган миллатпарварлар тақдирида бир ҳолат кўзга ташланади. Нур қўрбошининг қишлоғига термилиб кўнглида кечган туйғуларига эътиборимизни қаратайлик.

Шом қоронғуси қуйилиб келаётган бир пайтда Нур қўрбоши харсангтошлар панасидан бош кўтариб, кенг яланглиқдаги қишлоғи томон маъюс-маҳзун термилди.

Ё раб, ҳувиллаб ётган манов харобазор наҳот унинг ота маскани?! Қани, қир бағрида ёйилиб юрувчи сурув-сурув қўй-қўзилар? Қани, бутун қишлоқни қий-чувга кўмиб юборадиган болалар? Сув баҳона, булоқ бошига қимтиниб-қимтиниб йиғилувчи қиз-жувонлар қани?

Нур қўрбошининг хотини эса собиқ хизматкор Нишонга турмушга чиқади. Бундан хабар топган “Нур бойвачча отига аччиқ қамчи тортди”.

Инсоният тарихидаги не-не қудратли салтанатлар хиёнат боис инқирозга юз тутган. Алп Эр Тўнга, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Юлий Цезардек қаҳрамонлар ҳам энг яқин кишилари томонидан сотилгани маълум. Таҳлил қилинаётган ҳикоя қаҳрамони ҳам яқин кишиларидан хиёнат кўради. Унинг турмуш ўртоғи ўз уйида юрган Нишон хизматкорга тегиб кетиб, Нур қўрбоши хотини, Сулаймон ва Нишоннинг нонкўрлиги туфайли завол топади.

Луқмон Бўрихон шундай ҳолатга тушган инсон кечинмаларини Нур қўрбоши тилидан қуйидагича баён қилади.

Наҳотки, уч талоғини олмай туриб бошқанинг қўйнига кириш шунчалар осон? Яна келиб-келиб Нишон ислиқига теккани-чи? Нур қўрбоши тўнғиздай эт-сўлли Нишоннинг тузсиз кўзларини хаёлида жонлантираркан, нафрат ва жирканишдан бўғриқиб кетди. У, бир вақтлар, катта шаҳар бозорида гадойлик қилиб юрган кезлари қоқсуяк нарса эди. Нурнинг отаси ачина-ачина уни бу ерга эргаштириб келди-ю, йил ўтмай новвосдай семириб кетди, занғар” [2;37-41].

Нур қўрбоши Нишон билан тўқнашиш режасини хаёлида узоқ вақт пишитади. Хаёлан унинг бўғзига тўппонча тирайди, гапга кўнмаса, тинчитишни режалаштиради. Ахир у Нурнинг уй-жойига, хотинига, ўғлига эгалик қиляпти-да! Аммо хаёл ҳақиқатга айланмайди. Юзма-юз учрашганда кучлар нисбати тенг эмас эди. Асосийси, Нурни ҳаётга боғлаб турган сўнгги ришта узилган: ўғли уни “босмачи”, Нишонни эса “ота” деб билар эди.

“Алдоқчи тунлар” ҳикоясида Нур қўрбоши мақсадига эришиш учун жуда кўп тунларни умид билан ўтказади. Аммо муроди ҳосил бўлмайди.

Нур қўрбоши табиати тадрижий тараққиётда тасвирланади: илк Қашқар сафарида табиат инжиқликларидан ҳам оғринган, инсоний истакларни енгишга қийналган Нур бойвачча табиатида инқилоб туфайли инқилоб юз беради: қилич тутганига бир йил бўлганда қўрбошиликни даъво

этган ғаламисни қоқ оғзидан отиб ташлайди, уни менсимасдан “гўдак” деб калака қилган тўда сардорининг қовурдоғига заҳар қўшади. Не-не бебошларни жаҳаннамга жўнатади.

Ёзувчи Нур қўрбошининг ижобий жиҳатларини кўрсатиш учун Сулаймон образидан фойдаланади. Сулаймон қийинчиликларга бардош беролмай Нурга хиёнат қилади.

Нур қўрбоши каби фидойилар Ватан озодлиги йўлида жон берди. Улар қисматида “Ватанни севмоқ иймондандир” ҳикматининг исботини кўрамиз.

Фикримизча, дунё адабиётида тўлиғича тарихий ҳужжатлар асосига қурилган ёки соф бадиий тасвир орасида турли ҳужжатлардан мисоллар келтириб ёзилган бадиият намуналари жуда кўп. Тарихий воқеа-ҳодисаларни замондошлар томонидан қабул қилиш руҳиятдаги сиёсий ҳолатдан ажралган нарса эмас. Зеро, халқ – тарих ижодкори.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бўтаев Ш. Қора туман //Ёшлик, 1990. – №4. – Б. 5-8.
2. Бўрихон, Лўқмон. Алдоқчи тунлар //Ёшлик, 2003. – №1. – Б.37-41.
3. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004.
4. Ҳотамов Ғ. Уйи куйган одам // Ёшлик, 1996. – №2. – Б. 40-42
5. Холмирзаев Ш. Суҳбатлар //Шарқ юлдузи, 1971. – № 1. – Б.22.